



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 4 » iyul

№ 353

Toshkent sh.

Автомобилтранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Автомобилтранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш, таълим сифатини қатъий назорат қилишнинг шаффоф ва таъсирчан механизмларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг автомобилтранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотларига (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари) доир маълумотлар асосида уларнинг рейтингини аниқлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Автомобилтранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

таълим ташкилотларининг фаолияти ва самарадорлигини баҳолаш орқали ҳудудлар кесимида уларнинг рейтингини аниқлаш тартиби;

таълим ташкилотларининг баҳолаш рейтингини индикаторлар асосида амалга ошириш тартиби;

таълим ташкилотларининг баҳолаш рейтингини ҳисоблаш методикаси ҳамда баҳолаш рейтинги натижалари бўйича таълим ташкилотларининг тоифаларини белгилаш тартиби.

3. Белгилансинки:

таълим ташкилотлари фаолиятини рейтинг баҳолаш йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат тартибини сақлаш департаментининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда – Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати) томонидан инсон омилисиз таълим ташкилотларига доир маълумотлар асосида уларнинг рейтингини ҳисоблашнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда

– ахборот тизими) орқали амалга оширилади ва унинг натижалари жамоатчиликка эълон қилинади;

ахборот тизимининг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатиши, маълумотлар базасининг шакллантирилиши, бошқа тизимлар билан интеграция қилиниши ҳамда техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича ишларнинг доимий равишда ўтказиб борилиши йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилади;

ахборот тизимини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни молиялаштириш Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

2022 йил 1 сентябрга қадар таълим ташкилотларига доир маълумотлар асосида уларнинг рейтингини ҳисоблаш ахборот тизимини яратсин ва ишга туширсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда мазкур қарорнинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ушбу қарор 2022 йил 1 сентябрдан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 4 июлдаги 353-сон қарорига
илова

**Автомобилтранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом автомобилтранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – таълим ташкилотлари)нинг рейтингини аниқлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

баҳолаш рейтинги – рейтинг кўрсаткич (индикатор)лари орқали таълим ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш;

ягона автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда – ягона ахборот тизими) – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда – ЙХХХ) томонидан таълим ташкилотларининг таълим хизматлари натижасини баҳолашнинг ягона автоматлаштирилган аппарат-дастурий воситалар мажмуи.

3. Таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлаш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Рейтинг баҳолаш кўрсаткичлари (индикаторлари)

4. Рейтинг баҳолаш қуйидаги кўрсаткич (индикатор)лар асосида амалга оширилади:

таълим ташкилотлари битирувчиларининг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва амалий имтиҳон натижалари;

таълим ташкилотлари битирувчиларининг ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлгандан кейин, йил якунига қадар йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик ҳолларидаги жарима баллари;

йил якунига қадар қонуний кучга кирган суд қарорига асосан таълим ташкилотлари битирувчилари айби билан содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони;

таълим ташкилотларида тўлиқ штатда фаолият юритадиган олий маълумотга ёки илмий даражага эга ўқитувчиларнинг сони тўғрисида маълумотлар.

5. Таълим ташкилотлари рейтингини баҳолаш мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган кўрсаткич (индикатор)лар асосида ЙХХХ томонидан амалга оширилади.

6. Рейтинг баллари ахборот тизимларидан олинган қуйидаги маълумотлар асосида шакллантирилади:

ўқитувчи ва ҳайдовчиликка номзодлар тўғрисида таълим ташкилотлари томонидан киритиладиган маълумотлар;

тадбиркорлик субъектларининг ахборот тизимларидаги ҳамда ЙХХХнинг ягона ахборот тизимидаги имтиҳон натижалари;

Ички ишлар вазирлигининг ахборот тизимларидан йўл-транспорт ҳодисалари, йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича жарима баллари ҳақида маълумотлар.

3-боб. Таълим ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш методикаси

7. Таълим ташкилотлари рейтингини аниқлаш ушбу Низомга 2-иловада келтирилган Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлаш мезонлари ва ҳисоблаш методикаси асосида ягона ахборот тизими орқали амалга оширилади.

8. Рейтинг қуйидаги кўрсаткич (индикатор)лар ёрдамида аниқланади:

ББ – таълим ташкилотлари битирувчиларининг имтиҳон натижалари кўра ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ йиғилган баллар;

ЎФН – таълим ташкилотларида тўлиқ штатда фаолият юритадиган фан номзоди ёки ундан юқори илмий даражага эга ўқитувчиларнинг умумий сони (ҳар бир ўқитувчи бир бирликда ҳисобланади);

ЎОМ – таълим ташкилотларида тўлиқ штатда фаолият юритадиган илмий даражага эга бўлмаган олий маълумотли ўқитувчиларнинг умумий сони (ҳар бир ўқитувчи бир бирликда ҳисобланади);

БЖ – таълим ташкилотлари битирувчиларининг ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлгандан кейин йил якунига қадар йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик ҳолларидаги жарима баллари;

БХ – таълим ташкилотлари битирувчилари айбдор сифатида кўрсатилган йўл-транспорт ҳодисалари сони;

БС – таълим ташкилотлари битирувчиларининг умумий сони.

9. Таълим ташкилотлари томонидан ягона ахборот тизимида киритилган маълумотлар асосида реал вақт режимида статистик ва таҳлилий маълумотлар шакллантирилади.

10. Таълим ташкилотлари фаолияти самарадорлик даражаси, аниқланган индикаторлар миқдорига қараб, 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланади.

11. Кўрсаткич (индикатор)ларни рейтинг баҳолаш натижаларига мувофиқ таълим ташкилотлари рейтинги қуйидагича “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратилади:

81 баллдан 100 баллгача бўлган таълим ташкилоти – “яшил”;

51 баллдан 80 баллгача бўлган таълим ташкилоти – “сарик”;

50 баллдан паст бўлган таълим ташкилоти – “қизил”.

4-боб. Рейтинг баҳолаш натижалари бўйича таълим ташкилотларининг тоифаларини белгилаш

12. Таълим ташкилотларининг рейтинг балл кўрсаткичлари республика бўйича ягона шаклда юритилади ҳамда йил якунлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

Рейтинг натижалари ҳар йили январь ойининг 25-санасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинади.

13. Ички ишлар вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

рейтинг натижалари бўйича фаолият самарадорлиги даражаси “яшил” деб топилган таълим ташкилотларининг ижобий иш тажрибаси оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг жамоатчиликка етказиб борилади;

“яшил” тоифадаги таълим ташкилотларининг ижобий иш тажрибасини бошқа таълим ташкилотларига жорий этиш ва оммалаштириш бўйича семинар-тренинглар ташкил этиш чоралари кўрилади.

14. Рейтинг натижаларига кўра “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга кирувчи таълим ташкилотларига ушбу Низомга 4-иловада кўрсатилган намунадаги “фарқловчи белги (логотип)” берилади.

Бунда, “фарқловчи белги (логотип)” таълим ташкилоти биносининг олд кириш қисмига ва автотранспорт воситаларининг олд/орқа ойнасига мажбурий ўрнатилади.

Мазкур фарқловчи белгилар қатъий ҳисобда туради ва рейтинг натижаларидан келиб чиқиб таълим ташкилотларига берилади.

5-боб. Якунловчи қоида

15. Ушбу Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлаш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъул органлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Таълим ташкилотлари	Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига маълумотларни киритади.	Кунбай асосида
2-босқич	ЙҲХХ	Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали таълим ташкилотларининг имтиҳон натижалари ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари, йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича жарима баллари ҳақида маълумотларни олади.	Онлайн (реал вақт) режимида
3-босқич	ЙҲХХ	Рейтинг натижаларига кўра таълим ташкилотларини тоифаларга ажратади.	Ҳар йиллик ҳисобот даври якунидан кейинги ойнинг 25-санасига қадар
4-босқич	ЙҲХХ	Таълим ташкилотларининг ижобий иш тажрибасини бошқа таълим ташкилотларига жорий этади ҳамда рейтинг натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб боради.	Ҳар йиллик ҳисобот даври якунидан кейинги ойнинг 30-санасига қадар

Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлаш мезонлари ва ҳисоблаш
МЕТОДИКАСИ

Т/р	Индикатор номи	Балл	Индикаторлар учун балларни ҳисоблаш методикаси
1.	ББ – таълим ташкилотлари битирувчиларнинг имтиҳон натижаларига кўра ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ йиғилган баллари;	30 балл	Таълим ташкилотлари битирувчиларининг сифат (салоҳияти) куйидаги формула орқали аниқланади: $I_1 = 30 * \frac{ББ}{2 * БС}$ ББ – таълим ташкилотлари битирувчиларнинг имтиҳон натижалари баллари. БС – таълим ташкилотлари битирувчиларининг умумий сони.
2.	Таълим ташкилотларида ўқитувчиларнинг сифат (салоҳият) кўрсаткичлари.	10 балл	Ўқитувчиларнинг сифат (салоҳият) кўрсаткичи куйидаги формула орқали аниқланади: $I_2 = \frac{10 * \dot{УФН} + 4 * \dot{УОМ}}{УЎС}$ ЎФН – таълим ташкилотларида тўлиқ штатда фаолият юритадиган фан номзоди ёки ундан юқори илмий даражага эга ўқитувчиларнинг умумий сони. ЎОМ – таълим ташкилотларида тўлиқ штатда фаолият юритадиган олий маълумотга эга бўлган ўқитувчилар сони; УЎС – таълим ташкилотларида тўлиқ штатда фаолиятдадиган ўқитувчиларнинг умумий сони
3.	БЖ – таълим ташкилотлари битирувчиларнинг ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлгандан кейин йил якунига қадар йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик ҳолатларидаги жарима баллари.	30 балл	Таълим ташкилотлари битирувчиларининг йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш кўрсаткичлари куйидаги формула орқали аниқланади: $I_3 = \frac{30 * БС - БЖ}{БС}$ БЖ – таълим ташкилотлари битирувчиларнинг ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлгандан кейин йил якунига қадар йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик ҳолатларидаги жарима баллари БС – таълим ташкилотлари битирувчиларининг умумий сони.
4.	БХ – таълим ташкилотлари битирувчиларининг айбдор сифатида кўрсатилган йўл транспорт ҳодисалари сони.	30 балл	Таълим ташкилотлари битирувчиларининг айбдор сифатида кўрсатилган йўл транспорт ҳодисаларидаги иштироки жарима баллари куйидаги формула орқали аниқланади: $I_4 = \frac{30 * (БС - 3 * БХ)}{БС}$ БХ – таълим ташкилотлари битирувчиларининг айбдор сифатида кўрсатилган йўл транспорт ҳодисалари сони. БС – таълим ташкилотлари битирувчиларининг умумий сони.
	Умумий балл	100	

Автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илова

**Таълим ташкилотлари битирувчиларининг имтиҳон натижаларига кўра йиғилган баллар
ЖАДВАЛИ**

Таълим ташкилотлари битирувчиларининг имтиҳон натижалари	Йиғиладиган балл миқдори
I. Назарий имтиҳонлар бўйича	
Биринчи уринишда муваффақиятли топширса	1
Иккинчи уринишда муваффақиятли топширса	0,8
Учинчи уринишда муваффақиятли топширса	0,6
Тўртинчи ва ундан кўп мартада муваффақиятли топширса	0,4
II. Амалий имтиҳонлар бўйича	
Биринчи уринишда муваффақиятли топширса	1
Иккинчи уринишда муваффақиятли топширса	0,8
Учинчи уринишда муваффақиятли топширса	0,6
Тўртинчи ва ундан кўп уринишда муваффақиятли топширса	0,4

Автомобилтранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ташкилотларининг рейтингини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга 4-илова

Рейтинг натижаларига кўра “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга кирувчи таълим ташкилотларига бериладиган “фарқловчи белги (логотип)”лар намуналари

